

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 02/30.01.2020.К/Т.104.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ

АБДУРАХМАНОВ БАХТИЯР АЛИМОВИЧ

***HYPERICUM SCABRUM, GLYCYRRHIZA GLABRA VA SILYBUM
MARIANUM* ЎСИМЛИКЛАРИДАН ҚУРУҚ ЭКСТРАКТЛАРНИ
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.10 – Биоорганик кимё

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Абдурахманов Бахтияр Алимович

Hypericum scabrum, *Glycyrrhiza glabra* ва *Silybum marianum*
ўсимликларидан куруқ экстрактларни ишлаб чиқариш
технологияларини ишлаб чиқиш

3

Абдурахманов Бахтияр Алимович

Разработка технологий производства сухих экстрактов из *Hypericum scabrum*, *Glycyrrhiza glabra* и *Silybum marianum*

22

Abdurakhmanov Bakhtiyar Alimovich

Development of technologies for the production of dry extracts from
Hypericum scabrum, *Glycyrrhiza glabra* and *Silybum marianum*

40

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

43

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. К/В/Т. 37.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ

АБДУРАХМАНОВ БАХТИЯР АЛИМОВИЧ

***HYPERICUM SCABRUM, GLYCYRRHIZA GLABRA VA SILYBUM
MARIANUM* ЎСИМЛИКЛАРИДАН ҚУРУҚ ЭКСТРАКТЛАРНИ
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.10 – Биоорганик кимё

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.4.PhD/Т494 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўсимлик моддалари кимёси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.uzicps.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Сотимов Ғайрат Бахтиёрович техника фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Сагдуллаев Баходир Тахирович техника фанлари доктори Матчанов Алимжон Давлатбаевич кимё фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Ўсимлик моддалари кимёси институти ҳузуридаги DSc. 02.30.01.2020. К/Т.104.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 77. Тел. 262 59 13, факс (99871) 262 73 48, e-mail: _____).

Диссертация билан Ўсимлик моддалари кимёси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 77. Тел. 262 59 13, факс (99871) 262 73 48)

Диссертация автореферати 2020 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Ш.Ш. Сагдуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, т.ф.д., профессор

Н.К.Хидирова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, к.ф.н.,

С.Ф. Арипова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
к.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё миқёсида доривор ўсимликлардан биологик фаол моддаларни ажратиб олиш ва ишлаб чиқишда янги технологиялардан фойдаланиш ҳамда уларни амалиётга тадбиқ этиш бўйича кўплаб тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Чунки, ўсимлик хом ашёсидан олинган биологик фаол моддалар синтетик дори воситаларига нисбатан инсон организмга зарарли таъсири камлиги, аллергия чақирмаслиги ва энг муҳими табиийлиги учун халқ табobatiда ва тиббиётда турли касалликларни даволашда катта аҳамиятга эгадир.

Жаҳонда доривор ўсимликлардан биологик фаол моддаларни индивидуал ҳолда ажратиш, дори воситалари субстанцияларини олиш, олинган субстанцияларни технологик жараёнларини босқичли назоратини амалга ошириш, биологик фаоллигини аниқлаш ва технологияларини ишлаб чиқиш долзарбдир. Флавоноидлар сақлаган маҳаллий ўсимлик манбалари асосида субстанцияларни ажратиб олишни саноат технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда стандартлаш долзарб мавзулардан ҳисобланади.

Республикамызда маҳаллий доривор ўсимликлар асосида ишлаб чиқилган, сифатли дори-дармон билан таъминлаш мақсадида кенг қамровли чора тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижалар амалга оширилди, жумладан, маҳаллий доривор ўсимликлар асосида юқори самарадор, импорт ўрнини босувчи препаратларни олиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий қилишга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 4 йўналишида «фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни яхшилаш» юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада *Glycyrrhiza glabra* ўсимлигининг ер устки қисмидан олинган «Глацембрин» субстанцияси яллиғланишга қарши таъсирга эга ва хориждан импорт қилинадиган «Индометацин» препаратидан кам эмас. *Silybum marianum* ўсимлигидан олинган «Расторопша қуруқ экстракти» субстанцияси, чет элдан импорт қилинадиган генерик бўлган жигарни хомояловчи таъсирга эга «Карсил» препаратининг аналогидир. *Hypericum perforatum* ва *Hypericum scabrum* ўсимликларининг ер устки қисмидан олинган «Далачой қуруқ экстракти» субстанцияси чет элдан импорт қилинадиган тинчлантирувчи таъсирга эга бўлган «Гелариум Гиперикум» препаратининг аналоги ҳисобланади. Шу мунасабат дори воситаларининг хориждан келтирилишини инобатга олиб, ушбу дори воситаларини технологиясини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқишдаги чиқиндиларидан самарали фойдаланиш, фармацевтика бозорини янги дори турлари билан тўлдиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 16 сентябрдаги ПҚ-2595- сонли «2016-2020 йилларда республика фармацевтика саноатини янада ривожлантиришни чора тадбирлари дастури тўғрисида» ги, 2020 йил 10 апрелдаги ПФ-4670-сонли «Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд

ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони ва 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Президент Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотларнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги.

Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маҳаллий ўсимлик турларига мансуб бўлган *Glycyrrhiza* ва *Hypericum* туркумлари юқори миқдорда флавоноидлар сақлагани ва хом ашё захираси саноат миқёсида ишлаб чиқаришга етарли миқдорда бўлганлиги туфайли *Glycyrrhiza glabra*, *Silybum marianum*, *Hypericum perforatum* ва *Hypericum scabrum* ўсимликларининг ер устки қисмидан флавоноидлар асосида субстанцияларни олиш технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда технологияни чиқиндисиз ва самарали усуллари ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

Қизилмия илдизининг биологик фаол моддаларни ўрганишда ўз хиссаларини қўшган хорижлик олимлар: Г. А. Толстикова, Т. Г. Толстикова, В. И. Литвиненко, А. С. Аммосова, О. М. Ипатова, С. Б. Денисова.

С. Pereira, L. Barros, А.М. Carvalho, С. Santos-Buelgab, I. Ferreira тарафидан *Silybum marianum* ўсимлиги баргида кислоталар, флавоноидлар ва стеринлар каби биологик фаол бирикмалардан ташкил топганлиги ҳақида тахмин билдирилган.

МДХ мамлакатларида ўсимликлар таркибидан флавоноидларни ажратиш олиш, биологик фаоллигини ўрганиш ва улар асосида дори воситаларини яратиш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб борган олимлар В.А. Куркина, Т.А. Сокольская, А.С. Щекотихина, В.А. Быков, Л.М. Беленовская, Н.С. Быстров, Р.Р. Файзуллина, В.И. Литвиненко, Г.А. Толстикова.

Ўзбекистонда флавоноид сақловчи ўсимлик турларини аниқлаш, индивидуал бирикмаларни ажратиш олиш, кимёвий тузилишини ва биологик фаолигини аниқлаш бўйича илмий тадқиқот ишларига буюк хизматлари қўшилган олимлардан А.М. Нигматуллаев, Э.Х. Батиров, А.П. Юлдашев, В.Н. Сыров, С.Д. Аминов, А.А. Вахабов, А.Н. Набиев, С.М. Юсупова.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўсимлик моддалари кимёси институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-А11-Т195 «*Silybum marianum* ва *Glycyrrhiza glabra* ўсимликларидан флавоноидлар сақлаган янги «Гепасил» ва «Глацембрин» дори воситаларини яратиш» (2012-2014) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган. 6-КХ-0-18571 «Фармацевтика саноати учун *Hypericum scabrum*, *Tribulus terrestris* ва *Passiflora incarnate* ларнинг

куритилган экстрактлари ва метфармин препарати доривор субстанциясларини ишлаб чиқариш технологияларини яратиш ва амалиётга тадбиқ этиш» (2015-2016) мавзусидаги инновация лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади *Glycyrrhiza glabra*, *Silybum marianum*, *Hypericum perforatum* ва *Hypericum scabrum* ўсимликларининг ер устки қисми флавоноидлари асосида «Глацембрин», «Пиноцембрин», «Расторопша қурук экстракти» ва «Далачой қурук экстракти» субстанцияларини ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Glycyrrhiza glabra, *Silybum marianum*, *Hypericum perforatum* ва *Hypericum scabrum* ўсимликларидан флавоноидларни ажратиб олишда сувли-спиртли экстракция жараёнининг мақбул шароитларини аниқлаш;

математик режалаштириш усули ёрдамида тозалаш жараёнларини мақбул шароитларини аниқлаш;

«Глацембрин» ва «Расторопша қурук экстракти» субстанцияларни ишлаб чиқаришнинг босқичма босқич назорат қилиш услубларини ишлаб чиқиш;

«Пиноцембрин» стандарти намунасини олиш технологиясини ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқарилган субстанциялар учун меъёрий-техник хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

олинган натижалар асосида Ўсимлик моддалари кимёси институти қошидаги Тажриба ишлаб чиқариш корхонасида ушбу ўсимликлардан субстанцияларни олиш технологик тизимини ўрнатиш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистонда ўсадиган *Glycyrrhiza glabra*, *Silybum marianum*, *Hypericum perforatum* ва *Hypericum scabrum* доривор ўсимликларининг ер устки қисмларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети тадқиқот объектларидан флавоноидларни экстракция жараёнлари ёрдамида ажратиб олиш ва тозалаш жараёнларини ўрганиш ва мақбуллаштириш, субстанциялар олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда флавоноидларнинг ажратиб олиш ва тозалаш учун қаттиқ жисм-суюқлик, суюқлик-суюқлик экстракциялаш, колонкали хроматография ва кристаллаш усулларидан фойдаланилди. Олинган субстанцияларни кимёвий хоссаларини аниқлаш учун физик-кимёвий тадқиқот усуллари: юқори самарали суюқлик хроматографияси, ультрабинафша ва инфрақизил спектроскопия қўлланилди. Технологик жараёнларни мақбуллаш учун Бокс-Уильсоннинг тажрибаларни математик режалаштириш усуллари ва лотин квадратлар усулининг 3x3 режаси фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор «Глацембрин» субстанциясини ишлаб чиқариш учун *Glycyrrhiza glabra* ўсимлигининг ер устки қисми хом ашё сифатида танлаб олинган;

40% ли этил спиртида қайта кристаллаш усули ёрдамида стандарт сифатида ишлатиладиган пиноцембрин флавоноидини ажратиб олиш технологияси яратилган;

Silybum marianum ўсимлигининг ер устки қисмидан жигарни ҳимояловчи «Расторопша куруқ экстракти» субстанциясини ишлаб чиқариш технологияси ишлаб чиқилган;

илк бор *Hypericum perforatum* ва *Hypericum scabrum* ўсимликларининг ер устки қисмидан «Далачой куруқ экстрактини» ишлаб чиқариш технологияси яратилган;

«Расторопша куруқ экстракт» субстанцияси ва «Далачой куруқ экстрактларини» ишлаб чиқаришдаги чиқиндиларидан пектин моддалари ва ўсимликларни ўсишини рағбатлантирувчи фаолликка эга бўлган дори воситаси субстанциясини олиш йўли билан чиқиндиларнинг утилизация усуллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

«Расторопша куруқ экстракти» ва «Далачой куруқ экстракт» субстанцияларини саноат миқёсида ишлаб чиқариш технологиялари яратилган;

Ўсимлик моддалари кимёси институти Тажриба ишлаб чиқариш корхонасида «Глацембрин» «Расторопша куруқ экстракт» ва «Далачой куруқ экстракти» субстанциялари олишнинг технологик тизимлари яратилган ва серияли ишлаб чиқарилган;

«Дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт жиҳозларини экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази» Давлат унитар корхонасида тасдиқлаш учун зарур илмий–техник ҳужжатлардан ВФС лойҳалари: «Ширинамия ўти» ўсимлик хом ашёсига; «Глацембрин» субстанциясига ва «Глацембрин капсулалари 0,3г » тайёр дори шаклига ҳамда «Глацембрин» субстанцияси олишга тажриба саноат регламенти лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги уларнинг замонавий физик-кимёвий ва технологик усулларни қўллаш орқали олинганлиги билан тасдиқланади. Олинган натижаларнинг исботи мутахассисларнинг эксперт баҳолари, тадқиқот натижалари амалга оширилиши, уларнинг республика ва халқаро анжуманлардаги муҳокамаси, натижалар рецензияланган илмий нашрларда чоп этилиши ва патентлар олинishi ҳамда тақлиф қилинаётган технологияни ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиниши ва уларнинг меъёрий техник ҳужжатларини тегишли Давлат ташкилотларидан тасдиқлатишда апробациядан ўтганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, *Glycyrrhiza glabra* ўсимлигидан флавоноидлар йиғиндисини (глабринин, пинацембрин, пурнитин) олиш усули ва «Глацембрин» субстанциясини ишлаб чиқариш технологияси ишлаб чиқилган. Натижада, *Glycyrrhiza glabra* ўсимлигининг ет устки қисмидан комплекс қайта ишлаш жараёнида, ушбу ўсимлик таркибидаги флавоноидлар ва полисахаридлар асосида дори воситаси субстанцияларини ишлаб чиқаришнинг рационал технологияси яратилди. Диссертация иши

натижаларидан Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида ўсимликлардан флавоноидлар ва полисахаридларни ажратиб олиш технологияси соҳасида ҳам янги тадқиқотлар олиб боришга асос бўлади.

Тадқиқот натижалари шундан иборатки, флавоноидлар йиғиндисидан иборат бўлган «Глацембрин», «Расторопша куруқ экстракт» ва «Далачой куруқ экстракт» субстанцияларини ишлаб чиқариш учун технологиялар яратилган бўлиб, бу Республика аҳолисини маҳаллий хом ашёдан олинган дори воситаларига бўлган эҳтиёжини қондириш учун хизмат қилади

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. *Glycyrrhiza glabra* *Silybum marianum* ва *Hypericum perforatum* ўсимликларининг таркибидаги биологик фаол моддалардан дори воситалари субстанцияларини ажратиб олиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

яллиғланишга қарши таъсирга эга бўлган, флавоноидлар йиғиндисини олиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№ IAP 05788. 2019Й.). Натижада фармацевтика саноатида яллиғланишга қарши препарат ишлаб чиқиш имконини берган;

«Расторопша куруқ экстракти» субстанциясига техникавий шартлар ва техникавий йўриқнома тасдиқланган (03535440-023:2016, ТИ 03355440-023:2017). натижада субстанциянинг саноат ишлаб чиқарилиши жигарни химояловчи таъсирга эга «Непрот» дори воситасини (400 мг №60 капсула) ИП «Nobel Pharmsanoat» тамонидан ишлаб чиқариш ва локализация қилиш имконини берган (Фармацевтика саноатини ривожлантириш агентлигининг 2019 йил 24 декабрдаги 25-06/3391 -сон маълумотномаси);

«Далачой куруқ экстракти» субстанциясига техникавий шартлар (Ts 033554400-22:2016) ва техникавий йўриқнома тасдиқланган (ТИ 033554400-22:2017). (Фармацевтика саноатини ривожлантириш агентлигининг 2019 йил 24 декабрдаги 25-06/3390- сон маълумотномаси). Натижада ИП «Nobel Pharmsanoat» «Далачой куруқ экстракти» субстанцияси асосида импорт ўрнини босувчи «Helax» тинчлантирувчи дори воситасини (300 мг №60 та капсула) серияли ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация иши тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та 5 таси маҳаллий журналларда нашр этилган ва 1 та патент олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертация ҳажми 126 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг «**Ўсимлик хом ашёсининг тарқалиши, захираси, флавоноидларни ўсимлик хом ашёсидан ажратиб олиш усуллари ва уларнинг биологик хусусиятлари**» номли биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича илмий изланишларнинг шарҳи келтирилган бўлиб, *Glycyrrhiza glabra*, *Silybum marianum* ва *Hypericum perforatum* ўсимликлари, уларнинг флавоноидларининг таркиби ва биологик фаолликлари тўғрисида умумий маълумотларни ўз ичига олади. Шунингдек, флавоноидлар асосидаги яллиғланишга қарши, жигарни ҳимояловчи ва тинчлантирувчи дори воситалари тўғрисида маълумотлар ҳам келтирилган. флавоноидларни ишлаб чиқариш учун доривор ўсимлик хом ашёсини қайта ишлаш технологияларидан мисоллар келтирилган.

Диссертациянинг «***Glycyrrhiza glabra* ўсимлигининг ер устки қисмидан флавоноидлар йиғиндисини ажратиб олиш технологиясини ишлаб чиқиш**» номли иккинчи боби «Глацембрин» дори воситаси субстанциясини ишлаб чиқариш учун саноат технологиясини ишлаб чиқиш, технологик жараёнларни ўрганишга бағишланган.

Glycyrrhiza glabra ўсимлигининг ер устки қисмидан флавоноидлар йиғиндисидан иборат бўлган «Глацембрин» субстанциясини ажратиб олиш технологиясини ишлаб чиқиш учун технологик жараёнлар ўрганилган, флавоноидлар йиғиндисини ўсимлик хом ашёсидан экстракция усули билан флавоноидларни олиш, флавоноидларни чўктириш услубида тозалаш, технологик босқичларда флавоноидларни йўқотишлари ўрганилди.

Glycyrrhiza glabra ўсимлигининг ер устки қисмидан флавоноидлар йиғиндисини самарали ажратиб олиш мақсадида эритувчини концентрацияси, хом ашёнинг майдалик даражаси, экстракция жараёнига ҳароратни таъсири ва динамикаси каби омилларнинг кўрсаткичлари ўрганилди (1-жадвал).

1-жадвалда келтирилган натижалар асосида белгиландики, *Glycyrrhiza glabra* ўсимлигини ер устки қисмидан флавоноидлар йиғиндисини самарали ажратиб олиш учун экстракцияни майдалик даражаси 2-6 мм бўлган хом ашёни 90% ли этил спиртида, 20°C ҳарорат остида олиб бориш лозим.

Экстракция жараёнининг мақбул шароитини аниқлаш мақсадида Бокс-Уильсон усулида математик режалаштириш амалга оширилди.

Glycyrrhiza glabra ўсимлигидан флавоноидлар йиғиндисини экстракция қилиб олиш параметрлари

Омиллар ва ўлчов бирлиги	Ўрганилган омиллар даражалари	Мақбул шароит
Майдалик даражаси, мм	майдаланмаган.; 2-6; 6-10; 10-14	2-6
Этил спирти, %	50, 60, 70, 80, 90,	90
Ҳарорат, °С	20, 30, 40, 50, 60	20
Экстракциялар сони	1, 2, 3, 4, 5, 6	6
Экстракция вақти, соат		
1	1 - 6	5
2	1 - 4	3
3	1 - 3	2
4	1 - 2	1
5	1 - 1	1

Тўлақонли ахборот олиш мақсадида танланган омиллар белгилаб олинди:

X_1 – этил спиртининг концентрацияси; X_2 – хом ашёнинг майдалик даражаси; X_3 – жараённинг бориш вақти; X_4 – жараён ҳарорати. Режалаштириш кўрсаткичи (Y) сифатида флавоноидлар йиғиндисини биринчи фазалар таъсири вақтидаги йиғиндиси олинди. Тажриба натижаларининг математик таҳлилидан кейинги регрессия тенгламаси қуйидагича кўриниш олди:


$$Y = 30,993X_0 + 5,006 X_1 + 8,043X_2 + 1,206X_3 + 5,681X_4$$

Омиллар таъсир кучи бўйича қуйидагича кўриниш олди: этил спиртининг концентрацияси > жараённинг бориш вақти > жараён ҳарорати > хом ашёнинг майдалик даражаси.

Экстракция жараёнининг динамикасини ўрганиш шуни кўрсатдики (3-расм), биринчи экстракт қуйиб олиш муддати 5 соат, иккинчиси – 3 соат, учинчиси – 2 соат, тўртинчи ва бешинчилари – 1 соатдан кам бўлмаслиги керак. Беш марта экстракция қилинганда экстракция йиғиндиси 93.2 % ни ташкил қилди. Юқоридагиларни инобатга олиб, *Glycyrrhiza glabra* ўсимлиги ер устки қисмидан флавоноидлар йиғиндисининг экстракциясини беш марта амалга ошириш кераклиги аниқланди.

Флавоноидлар йиғиндисини тозалаш ва ажратиб олиш тажриба натижалари шуни кўрсатдики, техник глацембринни 60% ли этил спирти 1:4 нисбатда уч марта қайта чўктирилган мухит энг мақбул деб белгиланди.

Тажрибалар натижалари асосида *Glycyrrhiza glabra* ўсимлиги ер устки қисмидан глацембрин субстанциясини олишнинг рационал технологияси ишлаб чиқилди (расм1).



М-1 – майдалагич; Т-2 – тарози; Э-3 – экстрактор; Ў - 4, 11 – ўлчагич; Й – 5;6;8;12;15;16;18;21 – йиғич; НФ-7, 20, 24 – нутч-фильтр; Р-10,14,17 – реактор; ВБА- 9,13 – вакуум буғлатгич ускунаси; К-23 – кристаллизатор; СХ-19 – сув ҳаммоми; РБ- 22 – роторли буғлаткич; ҚШ-25 – куриткич шкаф.

1-расм. Глацембрин субстанциясини ишлаб чиқариш технологик схемаси

50 кг Ширинмия ўсимлигининг ер устки қисми (Т-2) тарозида тортилади ва экстрактор (Э-3) га жойланади ва ўлчагич (Ў-4) дан 250 л 90% ли этил спирти қуйилади. Флавоноидлар йиғиндисини ажратиб олиш хона шароитида, 6 соат давомида тиндирилган ҳолда, беш марта экстракция қилинади. Олинган спиртли экстракт 150 л, йиғувчи ускунаси (Й-6) га қуйилади. Сўнгра нутч-фильтр (НФ-7) орқали филтриланади ва йиғувчи ускунаси (Й-8) га қуюлади.

Қуюлтирилган 20 л спиртли экстрактнинг вакуум буғлатгич ускунаси (ВБА-9) дан реакторга (Р-10) қуюлади ва 10,0 л сув билан суюлтирилади. Сувли экстракт таркибидаги флавоноидларни олти марта 15 л дан хлороформ билан экстракция қилинади, сўнгра 20-25 л дан вакуум буғлатгич ускунасида (ВБ-13) 50-60 °С ҳароратда, -0,6-0,4 кгс/см² вакуум остида 10 л гача қуюлтирилади.

Қуюлтирилган экстрактни вакуум буғлатгич ускунаси (ВБА-13) дан реакторга (Р-14) қуйилади, сўнгра флавоноидларни 5 л дан 5% ли содали сув билан саккиз марта экстракция қилинади. Олинган флавоноидлар йиғиндисидан иборат бўлган 40 л содали сувни 5% ли сульфат кислота билан рН 7 га келтирилади ва реактор(Р-17) га қуйилади. Сўнгра нейтралли сувдан флавоноидларни 20 л дан уч марта хлороформ билан экстракция қилинади. Барча умулаштирилган хлороформли экстрактлар йиғич ускунаси (Й-18) га йиғилади. Олинган хлороформли экстрактни роторли буғлаткич (РБ-19) ускунасида 50-60 °С ҳароратда, -0,6-0,4 кгс/см² вакуум остида қуюлтирилади.

Колбадаги 1,6 кг техник глацембринга ўлчагич ускунаси (Ў-18) дан 6,4 л 60% этил спиртида қуйилади ва сув ҳаммомида (СХ-19) флавоноидларни эритиш учун 15-20 минут қайнатилади. Спиртли эритмани хона ҳароратида совитилади, филтрланади (НФ-20) ҳамда йиғич ускунаси (Й-21) га қуйилади, ҳосил бўлган чўкма қайтадан колбага солинади ва флавоноидлар эритилиб юқоридаги ёзилган жараён қайтарилади. Барча умумлаштирилган спиртли эритмалар роторли буғлаткич (РБ-22) ускунасида 50-60 °С ҳароратда, -0,6-0,4 кгс/см² вакуум остида 6.4 л (1/3 қисми) қолгунча қуюлтирилади. Қуюк экстрактни кристаллизатор (К-23) га қуйилади, хона ҳароратида совутилади, ҳосил бўлаган чўкмани қағозли нутч-филтрдан (НФ-24) филтрлаб ажратиб олинади. Флавоноидлар йиғиндисидан иборат бўлган чўкмани 100°С ҳароратда, -0,8-0,6 кгс/см² вакуум остида қуритиш шкафи (ҚШ-25) да қуритилади. Қуритилган маҳсулотни майдалаб ва элакдан ўтказилиб, таркибида 86,2% флавоноидлар йиғиндисини сақлаган 1,4 кг миқдоридаги глацембрин субстанцияси олинади.

«Глацембрин» субстанциясининг чиқиш унуми хом ашё оғирлигига нисбатан 2,8% ни, хом ашёдаги флавоноидларни миқдorigа нисбатан эса 75,4% ни ташкил этади.

Диссертациянинг «*Silybum marianum* ўсимлиги ер устки қисмидан флавоноидлар йиғиндисини ажратиб олиш технологиясини ишлаб чиқиш» деб номланган учинчи бобида «Расторопша қуруқ экстракти» субстанциясини ишлаб чиқариш технологиясини яратиш юзасидан амалга оширилган ишлар натижалари муҳокама қилинган.

Silybum marianum ўсимлиги ер устки қисмидан флавоноидлар йиғиндисини самарали ажратиб олиш мақсадида эритувчи концентрацияси, хом ашёнинг майдалиқ даражаси, экстракция жараёнига ҳароратнинг таъсири ва динамикаси каби омилларнинг кўрсаткичлари аниқланди (2-4 жадвал ва 2-расм).

2-жадвалда келтирилган тажрибалар натижалари шуни кўрсатадики, 50% ли этил спиртида экстракция қилинганда флавоноидлар йиғиндисининг юқори унум билан олинади, шу сабабли кейинги тадқиқотлар учун айнан шу эритувчи танлаб олинди.

2-жадвал

Флавоноидлар унумининг чиқишига эритувчининг таъсири

Этил спиртининг концентрацияси, %	Экстрактив моддаларнинг йиғиндиси, хом ашё оғирлигига нисбатан, %	Флавоноидлар йиғиндисининг чиқиш унуми	
		Хом ашё оғирлигига нисбатан, %	Хом ашёдаги флавоноидларнинг миқдорига нисбатан, %
90%	6,3	0,7195	77,8
80%	8,1	0,7314	79,3
70%	11,1	0,7495	80,5
60%	11,8	0,7605	81,6
50%	12,1	0,8515	84,9
40%	12,5	0,6540	68,4

Тажриба натижалари 3 жадвалда келтирилган бўлиб, флавоноидлар йиғиндисини юқори унум билан ажратиб олиш учун хом ашёнинг майдалик даражаси 2–6 мм мақбул ҳисобланади.

3-жадвал

Флавоноидлар унумининг чиқишига хом ашёнинг майдалик даражасининг таъсири

Майдалик даражаси, мм	Экстрактив моддаларнинг йиғиндиси, хом ашё оғирлигига нисбатан, %	Хом ашё оғирлигига нисбатан, %	Хом ашёдаги флавоноидларни миқдорига нисбатан, %
2 дан кичик	8,6	0,9065	82,2
2–6	8,4	0,8914	81,4
6–10	8,2	0,8862	78,7
10–14	8,1	0,8540	75,5
майдаланмаган	7,9	0,8055	71,9


4-жадвалдан кўришиб турибдики хом ашёдан флавоноидлар йиғиндисини ажратиб олиш учун хона ҳароратида экстракция қилиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

4-жадвал

Экстракция жараёнига ҳароратнинг таъсири

Ҳарорат, °С	Экстрактив моддаларнинг йиғиндиси, хом ашё оғирлигига нисбатан %	Хом ашё оғирлигига нисбатан, %	Хом ашёдаги флавоноидларни миқдорига нисбатан, %
20	8,2	0,8985	81,9
30	9,1	0,9014	82,1
40	11,2	0,9056	82,2
50	12,8	0,9102	82,4
60	14,6	0,9157	82,5

2-расмдан кўриниб турибдики, ўсимлик хом ашёсини беш марта экстракция қилинганда флавоноидлар йиғиндисини хом ашё таркибидан 92,3 % гача ажратиб олинади, бир вақтни ўзида, биринчи қуйиб олиш муддати 5 соат, иккинчиси 4 соат, 3-чи ва 5-чи қуйиб олишлар эса 2 соатдан кам бўлмаслиги керак.




2-расм. Флавоноидлар йиғиндисининг концентрациясининг вақт бўйича ўзгариши

Silybum marianum ўсимлигининг ер устки қисмидан олинган экстрактнинг тозалаш жараёнлари ўрганилди, бунда олинган экстрактни таркибидаги ёт моддаларни хлороформ билан 4 мартадан кам бўлмаган экстракция қилиш зарурлиги аниқланди. Флавоноидлар йиғиндисини (техник маҳсулот) 5% ли сульфат кислота билан чўктирилди.

Техник маҳсулотни 90% ли этил спиртида қайта кристаллаш усули ёрдамида, таркибидаги флавоноидлар йиғиндисини 40% дан кам бўлмаган «Расторопша қуруқ экстракти» субстанцияси ажратиб олинди. Шу билан бирга, «Расторопша қуруқ экстракти» субстанциясининг этил спиртдаги эритмасини 1/3 қисми қолгунча қуюлтириш кераклиги ва хона ҳароратида кристаллизаторда 4 соатдан кам бўлмаган вақтда тиндириб қўйиш лозимлиги аниқланди.

Олиб борилган изланишлар асосида *Silybum marianum* ўсимлигининг ер устки қисмидан «Расторопша қуруқ экстракти» субстанциясини олиш технологияси ишлаб чиқилди.

Ушбу технология асосида Ўсимлик моддалар кимёси институти Тажриба ишлаб чиқариш корхонасида ярим саноат ишлаб чиқариш қурилмаси яратилди (3-расм).



М - 1 – майдалагич; Т - 2 – тарози; Р - 3 – экстрактор; Ў - 4, 11 – ўлчагич; Й - 5,6,8,12,15,16,18,21 – йиғгич; НФ - 7, 16, 18, 22 – нутч-фильтр; Р - 10,14, – реактор; ВБА - 9,13 – вакуум буғлатгич ускунаси; РБ - 20 – роторли буғлатгич; К-21 – кристаллизатор; СХ - 17 – сув хаммоми; Қш - 23 – қуриткич шкафи.

3-расм. Ростаропша қуруқ экстракти субстанциясини ишлаб чиқариш технологик схемаси

Майдаланган *Silybum marianum* (Расторопша) ўсимлигининг ер устки қисми 50 кг (Т-2) тарозида тортилади, экстрактор (Р-3) га жойланади, ўлчагич (Ў-4) дан 250 л 50 % ли этил спирти қуйилади. 6 саот давомида тиндириб экстракция қилинади ва худди шу усулда иккинчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи экстрактлар ажратиб олинади. Экстракциядан сўнг, ҳар бир қуйиб олишдаги спиртли экстрактнинг миқдори 150 л дан бўлиб, йиғувчи ускуна (Й-6) га йиғилади, сўнгра нутч-фильтр (НФ-7) орқали филтрланди ва йиғгич ускунаси (Й-8) га қуйилади

Ҳосил бўлган 750 л филтрланган спиртли экстрактни йиғувчи ускунаси (Й-8) дан вакуумли буғлатгич ускунаси (ВБ-13) га 20-25 л да 70-80°C ҳароратда, $-0,8-0,4$ кгс/см² вакуум остида қуюлтирилади.

Қуюлтирилган 15,0 л спиртли экстрактнинг вакуумли буғлатгич ускунаси (ВБ-9) дан реактор (Р-10) га қуюлади.

Кейин экстракт таркибидаги ёт моддалардан тозалаш учун олти марта 15 л дан хлороформ билан экстракция қилинади. Барча хлороформли экстрактлар 90 л йиғувчи ускунаси (Й-12) дан 20-25 л дан вакуумли буғлатгич ускунаси (ВБ-13) да 50-60 °С ҳароратда, $-0,6-0,4$ кгс/см² вакуум остида 5 л гача қуюлтирилади. Хлороформ билан экстракция қилингандан сўнг қолган сувли қисмини реактор (Р-14) га қуйилди, флавоноидларни чўктириш учун 5% ли сульфат кислота йиғувчи ускунаси (Й-15) да таёрланади ва реактор (Р-14) га қуйилади. Бунда чўккан флавоноидларни ажратиб олиш учун нутч-филтрда филтрлаб олинади ва ҳосил бўлган техник маҳсулотни хона ҳароратида қуритилади. Колбадаги техник гепасилга 90 % этил спирти ўлчагич ускунаси (Ў-19) дан қуйилади ва сув ҳаммомида (СХ-17) флавоноидларни эритиш учун 20-25 мин қайнатилади. Спиртли эритмани хона ҳароратида совутилади, чўкмани нутч-филтр (НФ-8) да филтрлаб ажратиб олинади ва спиртли экстрактни йиғувчи ускунаси (Й-19) га қуйилади. Филтрдан ўтмаган чўкмани қайтадан колбага солиб флавоноидларни эритиш учун юқоридаги усул бўйича яна қайтарилади. Барча йиғилган спиртли экстрактларни роторли буғлатгич ускунасида (РБ-20) 60-70°С ҳароратда, $-0,6-0,4$ кгс/см² вакуум остида 1/3 қисми қолгунча қуюлтирилади, сўнгра кристаллизатор (К-21) га қуйилади ҳамда хона ҳароратида совутилади. Бунда чўкма ҳосил бўлади, чўкмани қоғозли нутч-филтрда ажратиб олинади. Ажратиб олинган чўкмани 70-80°С ҳароратда, $-0,8-0,4$ кгс/см² вакуум остида қуритиш шкафи (Қш-23) да қуритилади.

Қуритилган маҳсулотни майдалаб ва элакдан ўтказилиб, таркибида 40 % флавоноидлар йиғиндисини сақлаган 0,85кг миқдоридаги «Расторопша қуруқ экстракти» субстанцияси ажратиб олинади.

«Расторопша қуруқ экстракти» субстанциясининг чиқиш унуми хом ашё оғирлигига нисбатан 1,7%, хом ашёдаги флавоноидларни миқдорига нисбатан эса 75,4% ни ташкил этади.

Диссертациянинг **«*Hypericum scabrum* ва *Hypericum perforatum* ўсимликларининг ер устки қисмидан «Далачой қуруқ экстракти» субстанциясини олиш технологиясини ишлаб чиқиш»** деб номланган тўртинчи бобда ушбу ўсимликларнинг ер устки қисмидан флавоноидлар йиғиндисини ажратиб олиш, экстрактнинг таркибидаги ёт моддалардан тозалаш ва гиперидин флавоноидини ажратиш, далачой қуруқ экстрактни олиш технологик схемаси тавсифи муҳокама қилинган.

Тажриба натижаларига кўра хом ашёнинг таркибидаги гиперидиннинг миқдори хом ашёда сақланишига нисбатан *H. scabrum* – 0,03% ва *H. perforatum* – 0,034%.

Самарали эритувчи танлаш. Тажрибалар бир хил шароитда 1,0 кг дан *H. scabrum* ва *H. perforatum* ўсимликлари ер устки қисмларини беш марта этил спиртининг турли хил концентрацияларида экстракция қилинди. Барча спиртли экстрактлар бирлаштирилди ва таҳлил қилинди (5-жадвал).

H. scabrum ва *H. perforatum* ўсимликларидан гиперицин унумининг чиқишига эритувчининг таъсири

Этил спиртининг концентрацияси, %	Экстракт моддаларнинг унуми, хом ашёнинг оғирлигига нисбатан, %		Гиперициннинг чиқиш унуми хом ашёдаги миқдорига нисбатан, %	
	<i>H. scabrum</i>	<i>H. perforatum</i>	<i>H. scabrum</i>	<i>H. perforatum</i>
95%	12,88	13,00	76,60	77,24
90 %	15,23	14,44	81,31	82,05
80 %	17,20	17,54	93,85	94,76
70 %	17,42	17,82	93,42	93,64
60 %	15,82	15,28	79,50	80,25

5-жадвалда берилган натижалар асосида, *H. scabrum* ва *H. perforatum* ўсимликларидан флавоноидларни экстракция қилиб олиш учун 80 % ли этил спиртидаги натижа танланди.

H. scabrum ва *H. perforatum* ўсимликларидан гиперицин унумининг чиқишига хом ашёнинг майдалик даражасининг таъсири

Майдалик даражаси, мм	Экстракт моддаларнинг унуми, хом ашёнинг оғирлигига нисбатан, %		Гиперициннинг чиқиш унуми хом ашёдаги миқдорига нисбатан, %	
	<i>H. scabrum</i>	<i>H. perforatum</i>	<i>H. scabrum</i>	<i>H. perforatum</i>
2 дан кичик	15,56	15,08	81,96	81,24
2 – 4	17,58	17,82	96,22	96,86
4 - 6	17,26	17,61	94,73	94,66
6 – 8	17,05	16,46	92,45	92,40
8 – 10	15,56	15,22	88,96	88,25
майдаланмаган	13,92	13,69	82,65	82,33

6-жадвалдаги тажрибалар натижаси шуни кўрсатдики, *H. scabrum* ва *H. perforatum* ўсимликларининг экстракцияси учун 8 мм майдалик жаражасида хом ашёдан 95 % унум билан гиперицин флавоноиди ажратиб олинди.

H. scabrum ва *H. perforatum* ўсимликларидан гиперицини экстракция жараёнига ҳароратнинг таъсири

Ҳарорат, °С	Экстракт моддаларнинг унуми, хом ашёнинг оғирлигига нисбатан, %		Гиперициннинг чиқиш унуми хом ашёда сақланишига нисбатан, %	
	<i>H. scabrum</i>	<i>H. perforatum</i>	<i>H. scabrum</i>	<i>H. perforatum</i>
20-30	16,77	16,46	94,22	94,00
30-40	17,50	17,05	94,90	94,56
40-50	19,44	19,28	95,85	95,82
50-60	20,42	20,05	96,38	96,08

7-жадвалдан кўришиб турибдики, ҳароратни ошиши билан флавоноидларни ажратиб олиш бир оз кучайди. Экстракт моддаларнинг

чиқиши кескин ошади, яъни олинган экстрактдан тайёр маҳсулотни сифатини камайтирувчи қўшимча моддалар мавжуд. Шунинг учун *H. scabrum* ва *H. perforatum* ўсимликларидан экстракция усули билан ажратиб олиш учун хона ҳароратини (20-30°C) тавсия этилган.

Экстракция жараёнларини мақбул шароитларини аниқлашда математик режалаштиришнинг Боксу-Уильсон усулидан фойдаланилди.

Ҳар иккала ўсимлик хом ашёси учун ўрганилган омилларнинг ўзгарувчанлик қийматлари оралиғи бир хил танланди, тажрибалар $X_4 = X_1 X_2$ ҳосил қилувчи нисбатлар билан амалга оширилган.

Натижада қуйидаги биринчи даражали регрессия тенгламаси ҳосил бўлди:

$$H. scabrum (1): \quad Y = 34,64 + 3,03 X_1 + 5,12 X_2 + 2,49 X_3 + 3,96 X_4$$

$$H. perforatum (2): \quad Y = 39,16 + 4,12 X_1 + 4,95 X_2 + 1,69 X_3 + 3,51 X_4$$

Ҳисоблаш натижалари дисперсия бир хил эканлигини кўрсатди ($G_{экс} < G_{кр}$):

$$1: 0,6096 < 0,6798$$

$$2: 0,3226 < 0,6798$$

Олинган маълумотлар статистик таҳлил қилишда, олинган модел Фишер критерияси бўйича адекват экани аниқланди ($F_{экс} < F_{таб}$):

$$H. scabrum: 2,55 < 4,5.$$

$$H. perforatum: 2,27 < 4,5$$


Коэффицентлар қийматдорлиги текширилди $\Delta b_i = 0,045$, шундай қилиб, барча омиллар аҳамиятли эканлиги маълум бўлди.

Экстракция жараёнини оптимизация қилингандан сўнг хом ашёдан гиперицин чиқиш унумининг 8% га ошганлиги маълум бўлди.

Хом ашёдан гиперицинни рационал режимда ажратиб олиш учун *H. scabrum* ва *H. perforatum* ўсимликларини маълум бўлган усулда, экстракция динамикаси ўрганилди.

H. scabrum и *H. perforatum* ўсимликларини 80% ли этил спирти билан камида беш марта экстракция қилиш кераклиги белгиланди. Бундан ташқари, иккала хом ашё учун зарур бўлган тиндириб қўйиш вақти ўрганилди, бунда биринчи фазада – 6 соат, иккинчисида – 5 соат, учинчи ва тўртинчи фазалар – 4 соатдан, бешинчиси эса – 2 соат эканлиги аниқланди.

Юқоридаги олиб борилган тадқиқотларнинг натижаларига асосланиб, *H. scabrum* ва *H. perforatum* ўсимликларидан «Далчой куруқ экстракти» ни ажратиб олишнинг технологиясини ишлаб чиқилди (4-расм).



4-расм. *H. scabrum* и *H. perforatum* ўсимликларидан «Далчой қуруқ экстракти» ни ишлаб чиқариш блок-схемаси

52 кг *H. scabrum* ёки *H. perforatum* ўсимликларининг ер устки қисми майдаланади ва 50 кг майдаланган хом ашё экстракторга жойлаштирилади. Хом ашёга 220,0 л 80% ли этил спирти қуйиб 12 соат давомида экстракция қилинади. Вақт ўтиши билан сув-спиртли 170 л экстракт қуйиб олинади ва филтirlанади.

Экстракторга 180,0 л 80% ли этил спирти қуйилади ва иккинчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи экстракцияси биринчисига ўхшаш тарзда амалга оширилади.

920,0 л филтirlаб олинган сув-спиртли экстракт, вакуум буғлатгич ускунасида қуюлтирилади. Жараён сўнгида вакуум буғлатгич ускунасига 30 л сув қуйилади ва этил спиртини тўлиқ йўқотиш учун қуюлтириш жараёни давом этирилади.

Қуюлтирилган сувли экстракт реакторга қуюлди ва 25 л дан олти марта бензин билан ишлов берилади.

Тозаланган сувли эритмадан флавоноидларни ажратиб олиш учун 15 л дан олти марта этилацетат билан экстракция қилинади.

80 л этилацетатли экстрактни вакуум буғлатгич ускунасида 60 °C дан юқори бўлмаган ҳароратда қуюлтирилади. Жараён сўнгида вакуум буғлатгич ускунасига 20 л тозаланган сув қуйилади ва этилацетатни тўлиқ йўқотиш учун қуюлтириш жараёни давом этирилади.

Флавоноидлар сақлаган фракцияга таркибидаги қуруқ қолдиқни миқдори 10% бўлгунча тозаланган сув қўшиб суюлтирилади ва аралаштириб, тебранма насос ёрдамида 4 л/с*м³ тезликда эритма назарот қилинган ҳолда сепаиб қуритгич ускунасига етказиб берилади. Бунда сепаиб қуритгич ускунасининг кириш ҳарорати – 160-180°C, чиқишдаги ҳарорати эса 80-90°C бўлиб 0,15 МПа ҳаво босими остида қуритилади.

Олинган қуруқ экстрактлар:

3,2 кг *H. scabrum* ўсимлигидаги – гиперин микдори – 0,29 %;

3,4 кг *H. perforatum* ўсимлигидаги – гиперин микдори – 0,31 %.

Диссертациянинг бешинчи бобида «Глацембрин», «Гепасил» ва «Далачой куруқ экстракти» субстанцияларини ишлаб чиқишдаги чиқиндиларни қайта ишлашга оид маълумотлар келтирилган.

Хулосалар

1. *Glycyrrhiza glabra*, *Hypericum scabrum* ва *H. perforatum* ўсимликлари ер устки қисмидан флавоноидларни экстракция қилиш жараёни ўрганилди. Тажрибалар Боксу-Уильсон усули бўйича математик режалаштирилди ва мақбул шароити ишлаб чиқилди, ушбу усул ўсимлик таркибидан 95% дан кам бўлмаган унум билан флавоноидларни ажратиб олиш билан изоҳланади.

2. Биринчи марта яллиғланишга қарши 80% ли тозаликдаги глацембрин субстанциясини ишлаб чиқариш технологияси тавсия этилди.

3. Ширинмия ўсимлигининг ер устки қисмидан олинган флавоноидлар йиғиндисини колонкали хроматография ёрдамида ҳамда 40% ли этил спиртида қайта кристаллаш усули билан 99% ли тозалikka эга пиноцембрин стандарти ажратиб олиш технологияси тавсия этилди.

4. *Silybum marianum* ўсимлигининг ер устки қисмидан флавоноидлар йиғиндисидан иборат бўлган жигарни ҳимояловчи таъсирга эга гепасил субстанциясини ажратиб олиш технологияси тавсия этилди.

5. Далачой ўсимлигининг маҳаллий икки турининг (*Hypericum scabrum* ва *H. perforatum*) ер устки қисмидан олинган экстрактни бензин ва этилацетат эритувчиларида кетма-кет ишлов берилди ва қуритилди ҳамда бир хил сифат ва кимёвий таркибга эга бўлган «Далачой куруқ экстракти» ни олиш технологияси ишлаб чиқилди.

6. Олинган тажрибалар натижалари асосида глацембрин дори воситасининг субстанциясига ва ўсимлик хом ашёсига Вақтинчалик Фармакопея мақолаларининг лойҳалари ишлаб чиқилди. «Расторопша куруқ экстракти» ва «Далачой куруқ экстракти» субстанциялари техникавий шартлар ва техник йўриқномалари ишлаб чиқилган ҳамда рўйхатдан ўтказилган.

7. «Расторопша куруқ экстракти» ва «Далачой куруқ экстракти» субстанцияларини ишлаб чиқариш чиқиндиларидан пектин моддалари ва ўсимликларнинг ўсишни рағбатлантирувчи фаолликга эга бўлган восита олиш усуллари тавсия этилди.

8. Ўсимлик моддалари кимёси институтнинг Тажриба ишлаб чиқариш корхонасида субстанцияларини ишлаб чиқариш учун технологик тизими ташкиллаштирилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 02/30.01.2020.К/Т.104.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ХИМИИ
РАСТИТЕЛЬНЫХ ВЕЩЕСТВ**

ИНСТИТУТ ХИМИИ РАСТИТЕЛЬНЫХ ВЕЩЕСТВ

АБДУРАХМАНОВ БАХТИЯР АЛИМОВИЧ

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИЙ ПРОИЗВОДСТВА СУХИХ
ЭКСТРАКТОВ ИЗ *HYPERICUM SCABRUM*, *GLYCYRRHIZA
GLABRA* И *SILYBUM MARIANUM***

02.00.10 – Биоорганическая химия

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2017.4.PhD/T494.

Диссертация выполнена в Институте химии растительных веществ.

Автореферат диссертации на трех языках (русском, узбекском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета (www.uzicps.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель: **Сотимов Гайрат Бахтиёрович**
доктор технических наук

Официальные оппоненты: **Сагдуллаев Баходир Тахирович**
доктор технических наук

Матчанов Алимжон Давлатбаевич
доктор химических наук

Ведущая организация: **Узбекский химико-фармацевтический научно-исследовательский институт**

Защита состоится «_____» _____ 2020 г. в _____ часов на заседании Научного Совета DSc. 02.30.01.2020. К/Т.104.01 при Институте химии растительных веществ. (Адрес: 100170, Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77. Тел. 262 59 13, факс (99871) 262 73 48, e-mail: plant_inst@icps.org.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института химии растительных веществ (регистрационный номер № _____). (Адрес: 100170, Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77. Тел. 262 59 13, факс (99871) 262 73 48)

Автореферат диссертации разослан: «_____» _____ 2020 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от «_____» _____ 2020года).

Ш.Ш.Сагдуллаев
Председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

Н.К.Хидирова
Ученый секретарь Научного совета по присуждению
ученых степеней, к.х.н.

С.Ф.Арипова
Председатель Научного семинара при Научном совете
по присуждению ученых степеней, д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день во всем мире проводятся многочисленные исследования в области использования новых технологий для выделения и производства биологически активных соединений из лекарственных растений, а также внедрения их в практику. Это связано с тем, что биологически активные вещества по сравнению с синтетическими препаратами обладают меньшим токсичным действием на организм, не вызывают аллергии и, самое главное, натуральны, благодаря чему имеют важное значение при лечении различных заболеваний в народной и официальной медицине.

В мире выделение индивидуальных биологически активных веществ, получение субстанций препаратов из лекарственных растений, поэтапный контроль технологических процессов полученных субстанций, установление биологической активности и разработка технологий производства является актуальным. Разработка промышленной технологии получения субстанций на основе местного сырья, содержащего биологически активные соединения, в том числе и флавоноиды, а также методов стандартизации являются актуальными вопросами.

В Республике приняты широкие меры по обеспечению населения страны высококачественными лекарственными средствами и достигнуты значительные результаты, в том числе по разработке и внедрению в производство высокоэффективных импортозамещающих препаратов на основе местного растительного сырья. Необходимо отметить, что, несмотря на достаточный сырьевой запас растений *Glycyrrhiza glabra L.*, *Silybum marianum L.*, *Hypericum scabrum* и *Hypericum perforatum L.*, препараты противовоспалительного, гепатологического и седативного действия на основе вышеуказанных растений импортируются в республику, и недостаточно покрывают спрос населения. В 4-м направлении Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены важнейшие задачи по дальнейшему развитию «фармацевтической промышленности и улучшению обеспечения населения и медицинских учреждений дешевыми, качественными лекарственными препаратами и медицинскими изделиями». Препарат «Глацембрин», полученный из надземной части *Glycyrrhiza glabra*, обладает противовоспалительным действием и по своей активности не уступает препарату «Индометацин», который завозится из-за рубежа. Субстанция «Сухой экстракт расторопши», получаемая из надземной части *Silybum marianum*, является генериком импортного гепатозащитного препарата «Карсил». «Сухой экстракт зверобоя», полученный из двух видов *Hypericum perforatum* и *Hypericum scabrum* является аналогом импортного седативного препарата «Гелариум Гиперикум». В связи с этим, разработка технологии производства данных субстанций и эффективное использование отходов их производства имеет важное значение для пополнения фармацевтического рынка новыми видами препаратов.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит

выполнению задач, предусмотренных в Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-2595 от 16 сентября 2016 года «О программе мер по дальнейшему развитию фармацевтической промышленности республики на 2016-2020гг.», Указе Президента Республики Узбекистан № УП- 4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Узбекистана в 2017-2021 годах», Указе Президента Республики Узбекистан № УП- 4670 от 10 апреля 2020 года «О мерах по охране, культурному выращиванию, переработке дикорастущих лекарственных растений и рациональному использованию имеющихся ресурсов», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в Республике Узбекистан. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан VI «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы.

Научным исследованиям по поиску местных видов, принадлежащих к родам *Glycyrrhiza* и *Hypericum*, с высоким содержанием флавоноидов, сырьевой запас которых позволит обеспечить промышленное производство, а также разработке технологий получения субстанций на основе флавоноидов из надземных частей *Glycyrrhiza glabra*, *Silybum marianum*, *Hypericum scabrum* и *Hypericum perforatum*, поиску безотходных и эффективных способов технологии были посвящены научно-исследовательские работы.

Основной вклад в исследования биологически активных веществ корней солодки внесли зарубежные ученые Г.А. Толстикова, Т.Г. Толстикова, В.И. Литвиненко, А.С. Аммосова, О.М. Ипатова, С.Б. Денисова.

C. Pereira, L. Barros, A.M. Carvalho, C. Santos-Buelgab, I. Ferreira предположили о наличии перспективных биологически активных соединений в листьях расторопши пятнистой, в частности, гидроксикоричных кислот, флавоноидов, стероидов.

